

Куч — адолатда



АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY ВА ҲУҚУҚIIY ГАЗЕТАСИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президент-и Ислон Каримов 11 март кунИ Оқсаройда Россиянинг Москвадаги А.Бакулев номли Юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази директори Лео Бокерияни қабул қилди.

— Сизни нафақат медицина соҳасининг етук наомандаси, балки Ўзбекистон ва Россиянинг юрак-қон томир касалликларини даволочи шифокорлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожига катта ҳисса қўшаётган арбоб сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди Ислон Каримов.

Л.Бокерия Ўзбекистонга хайрли мақсад билан келган. У ўз ташрифини 10 март кунИ академик В.Воҳидов номидаги республика жарроҳлик марказида меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси бўлган, турма юрак хасталигига чалинган икки боланинг ўта мураккаб жарроҳлик операциясидан бошлади.

Шу кунИ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан маъзур илмий марказ ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Бу ҳужжатда ҳамкорликда илмий анжуманлар, жарроҳлик операциялари


ўтказиш, кадрлар тайёрлаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Ташриф давомида кардиожарроҳлик муаммоларига бағишланган илмий анжуман ўтказиш ҳам режалаштирилган.

А.Бакулев номидаги Юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази билан Ўзбекистон тиббиёт муассасалари ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари урнатилган. Ундаб мутахассисларимиз у ерда малака оширган.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россиянинг кардиожарроҳлик соҳасида фаолият юритувчи мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).



Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида ўз касбига сидқидилдан кўнгил қўйган шифокорлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг самарали меҳнатлари боис беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатилапти.

СУРАТДА: институтнинг катталар ўткир жарроҳлик бўлими жонқуяр ходимлари Муҳаббат Комилова, Интизор Юсупова, Собира Асилбекова, Дилфуза Байдуллаева ва Айнура Илёсбековалар бой иш тажрибаларини ўзаро баҳам кўришмоқда.

Раҳмонали АКБАРАЛИЕВ олган сурат

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Тошкентдаги Киночилар уйида пойтахт шаҳар фаоллари, давлат идоралари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида ўтказилган йиғилишда “Обод маҳалла йили”да бажарилган ҳамда “Меҳр ва мурувват йили”да амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Йиғилишда ўтган йили бажарилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва муаммолар атрофида муҳокама этилиб, “Меҳр ва мурувват йили”да бажарилган ишларда жамоатчиликнинг ўрни ҳамда вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда маҳаллалардаги ижтимоий муҳит, иш билан бандлик масаласи, маънавий-маърифий ишлар, ёшлар тарбияси, жойлардаги комиссияларнинг иш фаолияти самарадорлигини ошириш каби масалалар устида фикр юритилди. Миллатлараро тотувлик ва оҳроқлик таъминлаш, ёш авлод онгида жисмоний ва маънавий соғлом дунёқарашни шакллантириш, Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғулларини қарор топтириш бутунги кун-

нинг долзарб вазифалари эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидан Наврўз байрамига тайёрлик кўриш, шаҳар санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, 13-14 март кунлари умумхалқ ҳашари ўтказилиши муносабати билан жойларда маҳалла аҳлини жалб этган ҳолда ҳашарлар ташкил этиш, бўш ётган майдонларни обод қилиш, уйлар атрофларини тозалаш, даракларга шакл бериш ва оқлаш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимоят муҳтож оилаларнинг уйларини тартибга келтириш масалалари ҳам ўрин олди.

А.АЗИМОВ,
“Туркистон-пресс”



Гаитининг собиқ президенти Жан Бертран Аристид ўзининг истеъфосини расмий тан олди. Лекин собиқ президент тарафдорларининг пойтахт Порт-о-Пренсда тинчликпарвар кучларга нибатан курулти таҳдидлари давом этмоқда. БМТ бош қотиби Кофи Аннан Гаитига 350 миллион АҚШ доллари миқдоридagi инсонпарварлик ёрдами юборилишини айтган. Айни дамда Гаитининг бош вазири этиб, Жерар Латортиё тайинланган. Жерар Латортиё бир неча йил БМТда Гаитининг вакили лавозимида ишлаб келган. У Гаитида сайловлар ўтгунча бош вазир вазифасини бажаради.

Х Х Х

АҚШ Шимолий Кореяга нисбатан ўзининг душманлик сиёсатини ўзгартирмас, ядровий таҳдиқотлов бора-сидаги музокаралар аввалгиларидек натижа бермай қолаверади.

Расмий Пхенянинг ушбу баёноти асосан Шимолий Корея ядровий дастури бўйича бўлиб ўтаётган наватдаги музокараларга қаратилган. Бундан биров илгари Пекинда шу масала бўйича олиб борилган олти томонлама музокараларда Шимолий Кореянинг юқоридаги талаби жавобсиз қолиб, самарасиз яқун топган эди.

Бўлиб ўтган музокараларда иштирок этган Россия ташқи ишлар вазири ўринбосари А.Лосюковнинг фикрича, Шимолий Корея ядровий дастури ҳали-бери ўз ечимини топмайди. Сабаби, Пхеня раҳбарлари мижорларнинг бартараф этилишини хошлашмайди.

Х Х Х

АҚШнинг Гуантанамо харбий базасидаги муқоҳоналаридан сақланган Буюк Британиянинг 9 фуқаросида беш нафари ўз ватанига қайтарилмаган бўлди.

Буюк Британия ички ишлар вазири Деви Блэккет махбуслар ўз юртларида ҳам ҳибсда сақланиш ёки сақланмаслигини аниқ айтмади. Унинг сўзича, махбуслар аксилтерор коалицияси томонидан қайта сўроқдан ўтишади. Эслатиб ўтамиз, Гуантанамо базасида сақланаётган ушбу англиялик махбуслар Афғонистон жанг майдонларида террорчи сифатида ушланган эди. Гуантанамода қолган тўрт англиялик фуқаронинг тақдирини эса наватдаги музокаралар натижасига боғлиқ.

Х Х Х

Зимбабве ташқи ишлар вазинининг баёнот беришича, ушбу қолинган самолётдаги ёлланма қотиларни беаёв жазо, эҳтимол, ўлим қутмоқда. Олмиш тўрт нафар ёлланма қотиллар ва куруллар бўлган самолёт шу хафтада Харареда ушланган. Маъзур мамлакат вакилларининг айтишича, самолёт АҚШга тегишли. Аммо АҚШ бу маълумотни рад этмоқда.

Х Х Х

Индонезиялик чегарачилар чоршанба кунИ Таиланднинг браконерлик комиссияси чўктириб юборди. Яна битта кема олов ичида қолди. Шу ерда кўзга чалинган бир неча балик тутувчи траулерлар эса яширинишига муваффақ бўлди. Бу воқеа АЧЕК вилотишининг гарбий киргоғида рўй берди. Қайд этилишича, браконерлик кемаларини тутишда икки вертолёт, иккита киргоқ кемаси ў, шунингдек, маҳаллий балчиқчилардан гаровга олинган кемалар иштирок этди.

ХОРАЗМДА БИР МУЗЕЙ БОР...



Хоразмда Комил Нуржон отлиғ бир инсон умгузаронлик қилади. Қизик одам. Ўлка тарихи у кишининг ҳаёт мазмунига айланган. Ана шу мавзуда эллика яқин китоб-рисолалар chop қилдирилган. Узоқ йиллардан бўён халқроқ “Олтин мерос” жамғармаси Хоразм бўлимини бошқариб келади.

Комил ога филолий инсон. Ўтган даврда қатор туманларда ўлкашунослик музейлари очилиши бошида турди. Юрт тарихини янада чуқурроқ ўрганиш учун илмий экспедициялар ташкил этди.

Комил оганиннг энг катта хизматларидан бириси жамгарма қошида ташкил қилган музейдир. Вилоят марказининг энг кўрими жойида — “Авесто” мажмуасида жойлашган музей бутунда хоризмлик сайёҳларга ҳам ёқиб тушган. Музей саккиз бўлимдан иборат. Археология, этнография, “Авесто” бўлимларидан қўҳна юртнинг салкам икки минг йиллик тарихига онд ноёб осори атиқалар ўрин олган. Улар орасида машҳур Хазораспада ўтказилган қазималарда топилган қадим Хоразм ёзувларидир. Олимлар бу манбани камда икки минг ёшга ега дейишади.

Эки воҳаниннг ўзига хос санъатидан ҳикоя қилувчи — машҳур ҳофиз Комилжон Отаниёзов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган бўлимда тўпланган ҳужжатлар кўпчиликка маълуму машҳур. Воҳалик мўйқалам соҳиблари асарларидан таркиб топган бўлим ҳам доймо томошабинлар эътиборида.

Ўзинбой ҲАСАН,
СУРАТДА: музей залида,
Саъдулла БОБО олган сурат.

ТЕХНОМУХИТ, ИНСОН ВА МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР

Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетиди “Техномухит, инсон ва микроэлементлар” мавзуда илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, тегишли вазирликлар, агросаноат мажмуаси, илмий-текшириш марказларининг вакиллари катнашди.

Анжуманда микроэлементлар концентратларини ҳосил қилиш учун қурилмалар ва технологияларни яратиш, тиббиётда микроэлементлардан фойдаланиш, кишлоқ ҳўжалиқлари уларни қўллаш каби масалалар муҳокама этилди.

Микроэлементларга сўғити йилларда катта эътибор бериляпти, деди Ўзбекистон ФА академиги, Республика патология-анатомия маркази директори Малика Абдуллаҳўжаева “Туркистон-пресс” муҳбирига. — Балзи таъин қилинган ўз вақтида микроэлементларнинг инсон ҳаётида ҳеч қандай аҳамияти йўқ, — деган фикрларини ҳам билдиришганди. Ҳолбуки, бугунги кунда у долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Маълумки, Марказий Осиёда йод ва темир моддаларининг танқислиги кўпчилигини ташвишга солмоқда. Бу худудимиздаги мураккаб муаммонинг бир қисми, холос. Ҳайвонот ва усимлик дунёси, энг аввало инсон йод, темир, мис, рух ва бошқа элементларга муҳтож бўлганлиги туфайли ўлкамиз экотизимидagi микроэлементлар танқислигини йўқотиш керак.

Анжуманда сўзга чиққан олимлар мамлакатимиз худуди геотермал, маъданили сув манбалари — “суяқ руда”га бой эканлигини таъкидлашди. Маъзур ўқув даргоҳида суварларнинг таркибидан эриган қимматли микроэлемент ионларини физик-кیمیый, биологик ва бошқа концентратлар олиш усулларини ишлаб чиқилмоқда. Тошкент техника университетиди ишлаб чиқилган технология “суяқ руда”дан концентратларни айрим бўлакларга парчалаб ажратиш ва тайёрлаш имконини беради. У амалиётга жорий этилганда, йод ва темир моддалари танқислигини бартараф этиш учун сарф-харажат нисбатан кам бўлиши кўтилмоқда. Таклиф этилган технологияни жорий этиш учун кимёгарлар, биологлар, тиббиёт ходимлари биргаликда тадқиқотлар ўтказишлари, илмий-техник ва ишлаб чиқариш кучларини яқинлаштиришлари керак. Бу эса моливий имкониятларини оқидона таъкидлашга, республика экотизим ҳолатини халқаро стандартлар мувофиқлигига олиб келиши аниқ.

Сурайё НАЗАРХўЖАЕВА

Республика Миллий матбуот марказида Россиянинг “Труд” умуммиллий газетаси Китоб уйи томонидан 2004 йилда нашр этилган “Даврни белгилаб берган инсон” номли китобининг тақдими ўтказилди.

Китобдан Ўзбекистон ФА академиги, Тошкент молия институт ректори Мурод Шарифхўжаев ва Ўзбекистон Прокуратура идоралари ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосари, юридик фанлари доктори Қўғар Раҳимовнинг кейинги йилларда “Труд” газетасида эълон қилган мақолалари ўрин олди.

“ДАВРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ИНСОН”

“Бу йил Ўзбекистон ўз мустақиллигининг ўн уч йиллигини нишонляпти, — деб ёзади муаллифлар. — Ўтган қўсқа тарихий мuddатда республика юз йилларга баробар йўлни босиб ўтди. Мустақиллик йилларида инсонпарвар демократик ҳуқуқий дунёвий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий ҳуқуқий пойдевори яратилди.”

Китобда миллий уйғониш, Ўзбекистонда давлатчиликнинг барпо этилиши жараёнилари чуқур таҳлил қилинади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги тажрибалари умумлаштирилади. Президент Ислон Каримовнинг сиёсий портретига ёрқин чиғилар берилди.

Тақдиротда сўзга чиққан муаллифлар китобнинг асосий мазмун-моҳияти, унинг устида олиб борилган изланишлар ҳусусида гапириб беришди.

Китобнинг бир қисми жамият ҳаётининг барча жабуаларини эркинлаштириш, ҳусусан, давлатчилик ва иқтисодий қурилиш ҳамда суд-ҳуқуқий тизимда ислохотларни қўрқлаштириш муаммоларига бағишланади. Унда Парламентга нима учун иккинчи палата керак, терроризм билан қандай курашиш лозим, матбуот эркинлигини таъминлашга ҳамда бошқа кўплаб саволларга батафсил жавоблар берилди.

Китоб иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишнинг ўзбек модели, мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг ўзига хосликлари билан қизиқувчилар учун жуда фойдалидир.

Бугун-эрта ёпилиб кетадиган омонат иш ўринлари, эскириб эси чиққан технологиялар, харидор тополмай омонларда туриб қоладиган товарлар, бир сўз билан айтганда банкротлик аломатларидан қутулиб ишлаш мумкинми?

Ха! Ҳеч истисносиз айтиш мумкинки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, ҳусусийлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш бу мақсадларга эришишнинг бирламчи шарти. Чунки фақат рақобатни тан оладиган бозор шароитида мулк эгасини топгандагина ва у ўз манфаатларидан келиб чиқиб омиликорлик билан иш юритгандагина корхона қулочини кенг ёза олади, фойда беради.

Самарқанддаги саноат корхоналарининг ўсиш сурьатлари, бозор талабига тобора мос махсулот ишлаб чиқарилаётганлигини ҳам аввало, мулк шаклининг ўзгарайётганлиги ва янгича ишлашга интилиш кучаяётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Яқин вақтларгача вилоят саноатининг гигант корхоналаридан бири ҳисобланган “Сино” совутичлар ишлаб чиқариш заводида иқтисодий қанализ таъназул ҳукм суриб келаятган, жамоа бозор шароитида ўз йўналишини тополмай қарзга ботган, ҳатто электр энергияси, телефон алоқаси учун ҳисоб-китоб қилишга имкон қолмаган эди.

Корхона акциялари ўз эгаларини топиб мулкчилик шакли ўзгарган, бу ерда чинакам янгиланиш нафаси сезиладан бошланди. Пировард натижадан бевосита манфаатдорлик акциядорларини бозор талабларини чуқур ўрганишга, маркетинг хизматини кенг йўлга қўйишга, инвесторларни жалб этиб фойдала ҳамкорлик қилишга ундади.

“Хинфэй” — Хитой — АҚШ — Италия қўшма корхонаси ана шу ҳамкорликнинг яққол исботи бўлди. Ўзаро шартнома мувофиқ хоризий компания Самарқандга замонавий совутичларнинг бутловчи қисмларини етказиб берадиган бўлди. Табиийки, корхона шунга яраша илгор технология килинлар билан жиҳозланганди.

Натижа шу бўлдики, ўтган 2003 йил давомида “Сино” заводида 15 турдаги энг харидорнинг совутичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Еки бир йилда 2500 дан зиёд ана шундай рақобатбардор товар тайёрланди, савдо тармоқларига етказилди.

Рақобатбардор дейиши-

низнинг боиси бу совутичлар техник афзалликларига қарамай ички бозорда шундай бўюмлар нархига қараганда бир ярим баробарга арзон. Сифат, дизайн масалаларида ҳатто баъзи хориз совутичларидан устунлик ҳам қилади. Корхона ихтирочилари шу билан қаноатланмай изланишини давом эттиришди ва қисқа вақтда яна 4 хил моделдаги совутич яратишга муваффақ бўлишди.

— “Сино” маҳсулотига бозорда талаб кундан-кунга ошмоқда. Жамоа унумли меҳнат туфайли аввалги 300 миллион сўмлик дебитор қарзларини узиб фойда олиш йўлига ўтди, — дейди тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Азамат Туронов. — Атиги 20 кишилик жамоа билан ҳувиқлаб қолган секторда бугун 300 дан зиёд ишчи меҳнат қиломоқда.

Вилоятдаги 304 та акциядорлик жамиятининг 290 тасида умумий йиллигиш ўтказиб жамият қузатув кенгаши таркиби, корхона раҳбарлари қайта сайланди. Жумладан, Самарқанд туманидаги “Стеклопластик” очиқ акциядорлик жамиятида ҳам худудий шартларга амалга оширилди. Корхонанинг номинал қиймати 100 сўмлик, жами 23 минг тона акцияси янги эгаларини топди.

Корхона ичидаги соғлом рақобат туфайли ўтган йили 3,5 миллиард сўмлик товар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Булар — мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юрлари учун муҳалланган қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, 38 турдаги спорт жиҳозлари, тиббиёт ва лаборатория ускуналаридир. Шундай кенг турдаги товарлар билан жамоа мамлакат миқёсидаги турли нуфузли тендерларда муваффақиятли қатнашиб, янги-янги буюртмалар олмақда.

Ислохот сабоқлари

МУЛОҲАЗА УЧУН МАЪЛУМОТ

Давлат Мулк қўмитаси вилоят худудий бошқармасидан олинган маълумотларга кўра ўтган 2003 йилда фонд бозори орқали вилоятдаги корхоналарнинг 1 миллиард сўмликдан зиёд акциялари сотилган. Бу кўрсаткич 2002 йилдаги нисбатан икки баробар кўп миқдорни ташкил этади. Демак, мулкка муносабат ўзгармоқда. Акцияга шунчаки қим-

матли қозғ эмас, корхона тақдирини ҳал қилувчи ҳужжат сифатида қаралмоқда.

Рўй бераётган ижобий ўзгаришларга қарамай вилоятдаги янгиланишга муҳтож барча корхоналарнинг акциялари муваффақиятли сотилапти деб бўлмади. Чунки вилоят МТП бирлашмасининг 44 минг 178 тона ёки дастлабки баҳоси 46 миллион 386 минг сўмлик акцияси бир йилдан буюён савдоларда ўз эгасини топмапти.

“Самарқандпахтасаноат” бирлашмаси акциядорлик жамиятининг 36 миллион 987 минг сўмлик 22 минг 71 тона акцияси, Каттақўрғон автошоҳбегатининг 36 миллион 967 минг сўмлик 54 минг 255 тона акцияси сотилмай қоляпти. Негат? Бу иш билан қимлар жиҳдидирок шуғуллангани керак? Ҳусусийлаштиришдан ким кўпроқ манфаатдор? Биринчи гада шу жамоаниннг ўзи. Шундай экан фойдали ишни пайсалга солиш ярамайди.

Ахир Республика Президентининг иқтисодиётда ҳусусий секторнинг ролинини ошириш тўғрисидаги фармони тадбиркорлик учун янги имкониятларни яратганлиги сир эмас-ку. Шу фармон асосида акцияларнинг давлатга тегишли улдушини тўлиқ сотиб олган Самарқанддаги “Кишмиш” акциядорлик жамиятида бугун иш мароми буткул янгица. Корхонага экспортбон маҳсулот чиқарадиган хориз технологиялари келтирилди бошланди.

Сантехника асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган яна бир корхона — “Коммунальник”да ҳам ҳусусийлаштириш ўз мевадарини бера бошлади. Энди унинг арзон, пишиқ-пухта ускуналари кўплаб харид қилинмоқда.

Демак, ҳусусийлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш бутуннинг долзарб вазифаси. Самарқандда бозор учун арзон, сифатли маҳсулот чиқарадиган, ҳатто экспортни удалай оладиган корхоналар талайгина. “Алпомиш”, “Лифт-созлик”, “Гелион” сингари саноат корхоналари ана шулар жумласидан. Афсуски, ҳозирча бу жамоалар ўз имкониятларидан суест фойдаланишмоқда. Бозор талабининг ўрганиш асосида буюртмалар “портфели”ни шакллантириш, янги ҳамкорлар топши, корхонани қайта жиҳозлаш масаласида ортада қолтишмоқда.

Ислохотлар эса ташаббускорликни, яратилган ҳуқуқий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб иқтисодий механизмларни самарали ишлатишнинг талаб этмоқда. Зотан ўзбекиона ақл-салоҳият, ишчанлик тадбиркорликка зийнат бўлиб ҳар қандай муаммага ечим топшига шубҳа йўқ.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат”нинг ўз муҳбири

“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” МИШШИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

ва

“АВТОГАЗ”

АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

*халқимизнинг энг гўзал, бетакрор байрами —
“Наврўз” билан барча юртдошларимизни,
соҳа мутахассислари ва ўз ҳамкорларини
чин қалбдан самимий муборакбод этади.*



*Ҳар бир оилага бахт ва шодлик,
хонадонларга фаровонлик ва тўкин-
сочинлик тилайди.*

*Байрамингиз муборак
бўлсин, азиз юртдошлар!*


«УРГАНЧ ЭКСКАВАТОР»

акционерлик жамияти

*Ўзбекистон халқини ўз ҳамкорлари, мижозларини ва ҳамкасбларини “
Наврўз” байрами билан самимий муборакбод этади.*

Азиз юртдошлар!

*Барчангизга бокий җил, бахт-саодат,
тинчлик, омонлик доимо ҳамроҳ бўлсин!
Кўнмуғ хонадонингиздан фойзу баракоят
ҳеч қачон арилмасин!*



КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ - ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ
ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИНГИЗДА СИЗЛАРГА
ҲАМИША ЗАФАРЛАР ЁР БЎЛСИН!

Назм гулшани

КЕКСАЛИК

Белинда қўш белбоғ, қўлинг қалтирар, Мўлжалдан олис йўл, дарров толдирав...

УЛУҒ ЁШЛАР

Кўзи илгангани кўра олади, Қоқилмай йўлида юра олади, Йиқилса қадди тик тура олади...

ОТАЖОНИМ

Аллоҳ сабаб бу дунёда яратдингиз, Озор бермай, бошим силаб яратдингиз...

Тонг отар, қўшга соғиниб боқиб, Кўзларинг олдида нур гулхан ёқиб, Бир жонинг минг бир дард келар оқиб...

Бошлари узра тип-тиник осмон, Ҳамоҳанг юрагин зарбига замон, Ҳамоҳанг юрагин зарбига замон...

Вақт-бевақт Сизга алам етказганман, Билиб-билмай дармонингиз кетказганман, Умримни ҳам баъзан зоҳ утказганман...


Жоним ширин сўзингизга фидо бўлсин, Бору йўғим изингизда адо бўлсин, Маҳд айласам булбуллар ҳам шайдо бўлсин...

Сиздан улуг менда асло қадрдон йўқ, Хурсанд этсам бу дунёда ҳеч армон йўқ, Сизсиз менинг танам ичра куч, дармон йўқ...

Отам дея бўзлаган кўп инсонлар бор, Тополмасдан диллари йўқ чекар озор, Дийдорига етолмайин қанчаси зор...

Отажоним, сиз-ла умрим кўркам, яшнар, Сизсиз дунё, бебайиз, нурсиз жойга ўшар, Ота билан қадди расо бани башар...

Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ



Қадим минораларим, баҳоринг муборак

ЙИЛНОМАЛАР ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

Сен-мендан олдин ҳам тун-кун бор эди, Айланган фалак ҳам бутун бор эди, Тупроққа авайлаб қадимини қўй, Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди...

Кўнлар дақиқа ва соатлардан иборат. Ҳафт-талар куллардан, ойлар эса ҳафталардан ташкил топади. Бундай ҳисоблар қачон ва қайси бир вақтда, қаерда пайдо бўлгани ҳақида ҳали-ҳануз аниқ маълумот йўқ...

Спорт оламида

АФИНАГА ЙЎЛЛАМА ТОШКЕНДА БЕРИЛАДИ

Эртага пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуида юнон-рум кураши бўйича олимпиадага саралаш уйинлари туркумига кирувчи "Ўзбекистон мустақиллиги кубоги" халқаро турнири бошланади...

ортик кураши етти (55, 60, 66, 74, 84, 96, 120 килограмм) вази тоифасида голиблик учун гиламга чиқадилар. Турнир низомига кура, беллашулар финалчилари шу йил Афинага бўладиган XXVIII ёғи олимпиададаги йўлланмани кўлга киритишади...

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

Футбол бўйича мамлакат XIII миллий чемпионати олий лига жамоалари иккинчи тур учрашувларини ўтказди. Бахслар голларга бой бўлди. Яқунланган етти уйиннинг бирортасида ҳам дуранг натижа қайд этилмади...

СУРАЙЁНИНГ ОРЗУЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимизда камондан отиш спорт тури жадал ривожланмоқда. Кейинги вақтда бу тур билан шуғулланишга қизиқувчи ёшлар сонининг тобора ортиб бораётгани айниқса қувонарлиқдир. Сурайё Бакирова тажрибали спортчилардан бири...

"ЧЕЛСИ" АРОКЛАРИ

Англия футбол жамоаси ишчибозлари "Челси" номи сувенир аргонини ишлаб чиқаришди. Ароқ ёрлигига Роман Абрамовичнинг сурати туширилган. Ҳозирча "Челси" ароғи 500 дона тайёрланган. Рус тадбиркор — ишчибозлари буюртмаси томонидан ҳозирланган ароқлар "Челси" — "Арсенал" учрашувидан сўнг Роман Абрамович ҳамда унинг жамоасига тақдим этилди.

БЕЛАНОВНИНГ ЖАМОАСИ

Таниқли собик футболчи Игорь Беланов раҳбарлик қилаётган "Виль" (Швейцария) жамоаси ўз мухлисларини хурсанд қилди. Беланов шогирдлари мамлакат кубоғи финалига чиқди. Ярим финал учрашувида "Виль" футболчилари "Сентгаллен" жамоасини 2:1 ҳисобида енғди. Бу галаба уларнинг навбатдаги УЕФА кубоғи бахсларига йўлланмани кўлга киритишларига сабаб бўлди, деб хабар қилади Украин soccer.

РУАНДАДА ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ

Шу йил 21 март кунини ФИФА президенти Зепп Блаттер Руанда пойтахтига ташриф буюради. Ташрифдан қўланган мақсад — президент бу ерда янги футбол академиясининг очилиш маросимида қатнаши.

РОССИЯ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИ ЮТУГИ

Венгрия пойтахти Будапештда енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионати Россия спортчиларининг галабаси билан тугади. Елж манежларда уюштирилган бахсларда умумжамоа ҳисобида энг кўп — 19 та медал (шунинг 8 таси олтин ва 3 та дунё рекорди) тўплаган россияликлар биринчи бўлишди. Жами 10 та медалга сазовор бўлган АҚШ вакиллари иккинчи поғонани банд этдилар.

БЭКХЕМ ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Англия терма жамоаси сардори ҳамда "Реал" (Мадрид) ярим ҳимоячиси Дэвид Бэкхем "Адида" компанияси билан тижорат шартномасини узаиттирди. Унга кўра, Дэвид компания махсулотлари — бутси, футбол кийимларини 2008 йилгача реклама қилади. Ҳозир у "Эркин зарба" реклама ролигини суратга олиш жараёнида катнашмоқда.

Ойдиной ШАРИПОВА тайёрлади

ШАЙТОН МАЛАЙЛАРИ

Давомий Боши ўтган сонларда — Аслиддин Вохидга: — Оштра, ишлар битди. Пулни олдиқ. Бу ёқидан хавотир олманг. Ҳақингизни келишигиздан ҳам элбиз қилиб берамиз. Қайтишга ҳам барибор қиёмат керак. Клиент эса, жана шу йигитларнинг ўзлари бўлади. Келган жамиямизга уларни олиб бериб қўйсангиз, Владимирдан пулни санаб олаверасиз, — дейди. Вохид ҳам кеч бўлиб қолгани учун шерик, қолаверса пулни миқоз топилаганидан севиниб йўлга чиқди. У машинасини ҳайдаб Пахтакор туманидаги Нодирабегим жамоа ҳўжалиги орқали "Жиззах — Тошкент" катта йўлга чиқиб, Сирдарё томонга бурлила бошлади. Машинанинг секинлашганини кўрган орқа ўриндикда ўтирган Владимир Киришқини ҳайдовчининг бўйига тезда тросони солиб бор кучи билан бўғди. Андрей Нарбаев эса ёнидаги темир болгани олиб Вохидни ура кетади. Каттиқ азоб туфайли холдан тоғдан ҳайдовчини талончилар ён томондаги ўриндикқа суриб қўйишади. Владимир машина рулига ўтиради. Бардаҳеки очиб Вохид Бердзегга тегишли ҳамда машинанинг ҳўжатлари ва 3 минг сўм пулни олади-да, чўнтагига солади. Жиззах туманидаги У.Хотамов номи жамоа ҳўжалигининг "Ҳайдарбобо" фермер ҳўжалиги далаларига етганларида Вохидни пайкал четига судраб туширадilar ва устини ўт-ўлан, жас-хашаклар билан ёпиб қўйишади. Сўнгра келишувга асосан иккаласини кутиб ўтирган Аслиддиннинг олдига келиб: — Ҳаммаси ҳамирдан кил суғургандек бўлди, ҳайдовчини ўлдириб, машинани олиб келдик. Яъни топшириқни бахардик, — деб ҳисобот беришади. — Ҳайдовчини қаерда қолдирдиларинг? — Пахтазор четига ташлаб устига ўт-ўланларни ташлаб қўйдик.

Истемолчининг ҳуқуқи: ена харид қилдингиз... Истемолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (модели, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нарҳини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Бир чилдим кулги Қиз маст, икки қўли билан деворни зўрга ушлаб турган отасининг ёнига келиб: — Дада, математикадан мисолимни ечишга ёрдам бериб юборинг? — Ҳа, ҳозир ҳамма ишни йиғштириман-да, сенинг масалани ҳал қиламан. —!?

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Рустам АҲМАДЛИЕВ. ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Турғунўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Анавар ЖўРАБОВЕВ, Равшан ХАЙДАРОВ, Каримжон РИХСИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Бобоқул ТОШЕВ, Рустам АЗИМОВ, Турғун ЭРҒАШЕВ, Абдусамд МАМАЖОНОВ, Уткир ЖўРАЕВ, Муҳаммад РАҲМОН, Низомиддин НУРМАТОВ, Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Зоҳир ТўРАКУЛОВ. ТАВОННАЛАР: Ҳабулхона — 136-53-14. Факс: (8.371) 133-41-89. Бўғимлари: Сўбет ва партия ҳаёти — 136-55-96. Мелешов, арбаб ва сўбет — 136-53-14. Манзиллимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-й.